

«Арсенал» клуби ярим ҳимоячиси Томас Парти Ислom динини қабул қилди



18:09 / 06.06.2022 2406

Лондоннинг «Арсенал» клуби ярим ҳимоячиси Томас Парти Ислom динини қабул қилганини маълум қилди. Бу ҳақда tribuna.uz сайти хабар берди.

28 ёшли ганалик футболчи Ислom динини қабул қилишга у уйланмоқчи бўлган мусулмон қиз сабаб бўлганини айтган.

«Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, мен энди мусулмонман. Мен уйланмоқчи бўлган қиз сабаб Ислom динини қабул қилдим. Менинг мусулмонча исмим – Якубу.

Муаммо? Мен Ганада мусулмонлар орасида улфайганман, шундай экан бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ», - дея «Арсенал» футболчисининг сўзларини келтирган Goal.

Маълумот учун, Томас Парти 2020/21 йилги мавсум олдидан «Атлетико»дан «Арсенал» сафига қўшилган эди. Таянч ярим ҳимоячиси якунланган мавсум АПЛда 24 ўйинда 2та голга муаллифлик қилган.

Манба: tribuna.uz